Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ўзингиздан олдингиларнинг суннатларига эргашасизлар», – дедилар

Абу Воқид Лайсий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳунайн томон кетаётган вақтларида мушриклар қуролларини илиб қўядиган «Зоту анвот» деган дарахт олдидан ўтдилар. Шунда (динга яқинда кирган) баъзи саҳобалари: «Ё Расулуллоҳ, бизга ҳам уларникидай «зоту анвот» қилиб беринг» дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Субҳаналлоҳ! Худди Мусо қавми айтган сўзларни айтмоқдасизлар. Улар: «Эй Мусо, бизларга ҳам уларнинг илоҳлари каби худо қилиб (ясаб) бер», дедилар. [Аъроф: 138] Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ўзингиздан олдингиларнинг суннатларига эргашасизлар», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Термизий ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка ва Тоиф ўртасидаги Ҳунайн водийсига чиқдилар. У зот билан динга янги кирган баъзи саҳобалар ҳам бор эди. «Зоту анвот» яъни, илинган нарсалар эгаси деган дарахт олдидан ўтдилар. Уни мушриклар улуғлашар ва унга қуролларини ва бошқа буюмларини ундан барака сўраб қилиб илиб қўяр эдилар. Баъзи саҳобалар қуролларини илиб ундан барака талаб қилиш мақсадида бу нарсани жоиз деб гумон қилиб Расулуллоҳдан уларга ҳам дарахт қилиб беришларини сўрашди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўзни инкор қилиб ва Аллоҳ таолони улуғлаб тасбиҳ айтдилар. Бу Мусо алайҳиссалом қавмининг «Уларнинг олиҳлари каби бизга ҳам илоҳ қилиб бер», деган сўзига ўхшаш сўз эканини хабар бердилар. Улар (Бану исроил) санамларга сиғинаётган мушрикларини кўрганларида уларникига ўхшаш санамлари бўлишини талаб қилдилар. Бу эса, уларнинг йўлига эргашишдир. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу уммат яҳуд ва насронийларга эргашишини улардан қайтарган холда хабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5927